



## XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94, (76) 221-74-81

2021 йил «25» июль

VI-31-50-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

### **Вилоятда 5 ёшгача болалар, туғиш ёшидаги ва ҳомиладор аёллар, ногиронлиги бўлганлар, қон-томир, онкологик, эндокрин каби касалликларга мойиллиги бўлган фуқаролар билан ишлашнинг алоҳида тизимини жорий этиш тўғрисида**

Вилоятда 5 ёшгача болалар, туғиш ёшидаги ва ҳомиладор аёллар, ногиронлиги бўлганлар, қон-томир, онкологик, эндокрин каби касалликларга мойиллиги бўлган фуқаролар билан ишлашнинг алоҳида тизимини жорий этиш тўғрисида вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи К.Абдивоҳидовнинг ҳисобот ва таклифлари Ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳузурида эшитилганлигини ва билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олиб, халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссиянинг 2021 йил 8 июлдаги ЗОМ дастури орқали ўтказилган йиғилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи К.Абдивоҳидов, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вилоят бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари З.Хидирова алоқадор ташкилотлар билан биргаликда вилоятда 5 ёшгача болалари бор, туғиш ёшидаги ва ҳомиладор аёллар билан ишлаш тизимини жорий этсин.

3. Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи К.Абдивоҳидов, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вилоят бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари З.Хидирова, Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи А.Раҳмонов, вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлиғи А.Исмоилов, вилоят Халқ таълими бошқармаси бошлиғи С.Ҳамидова алоқадор ташкилотлар билан биргаликда:

аҳоли репродуктив саломатлигини сақлаш, эрта туғруқ ҳолатларининг олдини олиш бўйича профлактик тадбирларини кучайтирсин;

оила киришни режалаштириш, эрта туғруқ ва қариндошлик уруғлари ўртасида никоҳларнинг салбий оқибатлари юзасидан маҳаллаларда ва таълим муассасаларида мунтазам равишда тарғибот ишларини олиб борсин;

ажрим ёқасига келиб қолган оилалар билан мунтазам равишда тушунтириш

ишларини олиб бориш, уларнинг оилавий муаммоларини ҳал этишда кўмаклашсин.

4. Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (К.Абдивоҳидов) қон-томир, онкологик, эндокрин каби касалликларга мойиллиги бўлган фуқаролар билан ишлашнинг алоҳида тизимини жорий этиш бўйича шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари томонидан назоратга олинишини таъминласин.

5. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (И.Сапаров), вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (К.Абдувоҳидов) жорий йилнинг III чорагида туғиш ёшидаги, ҳомиладор аёллар ва 3-15 ёшдаги болаларни йод, темир ҳамда фолат кислотаси билан таъминлашда уларга кенг тарзда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борсин ҳамда бепул тарқатиш юзасидан мунтазам назорат олиб борилишини таъминлансин.

6. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатлари ўзлари сайланган ҳудудда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, дори воситалари таъминоти ҳамда бирламчи тиббий-санитария ёрдами масалалари фаолиятини доимий мониторинг қилиб бориш, оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари мудирларининг ҳисоботларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида эшитиш жараёнларида фаол иштирок этсин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг Ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссияси (Ш.Холлиева) зиммасига юклансин.

8. Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Кенгаш раиси**



**Bobolov T.A.**